



Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ХАКИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ КОМИТЕТИ
ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ КЕНГАШИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ
11 ДЕКАБРДАН
ЧИҚА БОШЛАГАН

№ 210 (9856).

1990 йил
2 ноябрь
жума

Баҳоси 3 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН ССЖ БЮДЖЕТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ПРИНЦИПЛАРИ ҲАҚИДА ДЕКЛАРАЦИЯ

Ўзбекистон ССЖ суверенитети ҳақидаги Декларацияга амад қилиб, жумҳурият Олий Кенгаши жумҳурият бюджетини шакллантиришнинг қуйидаги принципларини эълон қилади:

1. Ўзбекистон ССЖ ўз ҳудудда тушадиган ҳамма даромадларга тўла эгалик қилади. Ўз бюджетини мустақил равишда ўзи ишлаб чиқади ва тасдиқлайди.
2. Ўзбекистон ССЖнинг бюджет системаси Ўзбекистон ССЖ жумҳурият бюджетини, Қорақалпоғистон Мухтор Совет Социалистик Жумҳурияти, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бюджетларини ўз ичига олади.
3. Мазкур бюджетлар белгиланадиган даромадлар, солиқлар ҳамда тегишли ҳудудда унга бириктилган бошқа тушумларнинг ҳажмлари, шунингдек, тасдиқланадиган нормативлар бўйича умумдават солиқларидан ажратмаларнинг муайян қисми асосида шаклланади.
4. Бюджетлар мустақиллигининг асоси бюджет системаси барча бўғинларининг ўз даромадлари ва қонунда мустақамланган даромадлар манбаларидир.
5. Ўзбекистон ССЖ ҳудудда жойлашган барча хўжалик субъектлари мулкӣ ва идоравий қарамлигидан қатъи назар, жумҳурият бюджетига тўла ҳажмда оро-ротдан солиқ тўлайди. Давлат бюджети номутаносиб бўл-ган ҳолларда фойдадан олинадиган солиқ жумҳурият бюд-жетига тўла ҳажмда ўтказилади.
6. Жумҳурият бюджетининг даромад базасини, унинг мутаносиблигини мустақамлаш мақсадида 1991 йилдан бошлаб биринчи марта қуйидагилар жорий этилади:
 - Хом ашё ресурсларига ва четга чиқариладиган то-варларга (пахта толаси, хом иппак, жүн, қорақўл, напро-лантам, газ, қимматбаҳо металллар ва бошқаларга) солиқ-лар;
 - экспорт ва импортга солиқ;
 - асосий воситаларни қайта тиклаш фондига солиқ;
 - чет эл туризмидан тушадиган солиқ;
 - ер солиғи;
 - хусусийлаштиришдан тушадиган даромадлар.
7. Қорақалпоғистон МСЖ, вилоятлар ва Тошкент шаҳри улар бюджетларининг белгиланган даромадлари доирасида маҳаллий хўжаликни, коммунал мулк объек-ларини сақлаш ва ривожлантириш харажатларига маблағ нафақалар ва тегишли Советлар ўртасидаги келишилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари нархларидаги фарқларни тўлашга, шунингдек, хунар-техника билим юртларини сақ-лашга ҳамда ёлғиз оналарга, кам таъминланган оналарга нафақалар ва тегишли Советлар ўртасидаги келишилган бўйича бўйича регионал ва бошқа дастурларни амалга ошириш харажатларига маблағлар ажратилади.
8. ЎзССЖ жумҳурият бюджетига қўла тутилмаган ва фавқулодда харажатлар ҳамда тасдиқланган жумҳурият дастурлари бўйича тадбирлар учун, шунингдек, маҳаллий бюджетларга аниқ мақсадли, маблағлар беришга зарур мақсадли фондлар тузиш назарда тутилади.
9. Жумҳурият бюджетининг, Қорақалпоғистон МСЖ бюджетининг ва маҳаллий бюджетларнинг мутаносиблиги қонуни чиқарувчи ҳамда икроси этувчи ҳокимият ва жумҳу-риятдаги ҳамма даражадаги халқ депутатлари Советлари бюджет-молия сессиясининг асосий вазифасидир.
10. Мазкур Декларация қондалари Ўзбекистон ССЖ бюджетни лойиҳасини ишлаб чиқиш учун асосдир.

лик субъектлари мулкӣ ва идоравий қарамлигидан қатъи назар, жумҳурият бюджетига тўла ҳажмда оро-ротдан солиқ тўлайди. Давлат бюджети номутаносиб бўл-ган ҳолларда фойдадан олинадиган солиқ жумҳурият бюд-жетига тўла ҳажмда ўтказилади.

ларини сақлаш ва ривожлантириш харажатларига маблағ нафақалар ва тегишли Советлар ўртасидаги келишилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари нархларидаги фарқларни тўлашга, шунингдек, хунар-техника билим юртларини сақ-лашга ҳамда ёлғиз оналарга, кам таъминланган оналарга нафақалар ва тегишли Советлар ўртасидаги келишилган бўйича бўйича регионал ва бошқа дастурларни амалга ошириш харажатларига маблағлар ажратилади.

Ўзбекистон ССЖ Олий Кенгашининг мажлиси тўғрисида АХБОРОТ

Ўн иккинчи чакриқ Ўзбекистон ССЖ Олий Кенгашининг учинчи сессияси 1 ноябрь кунги ўз ишнини давом эттирди. Мажлисини Ўзбекистон ССЖ Олий Кенгашининг Раиси М. И. Иброҳимов очди.

«Ўзбекистон ССЖда ижроия ва бошқарув ҳокимияти ту-зилмасини такомиллаштириш тўғрисида, Ўзбекистон ССЖ Конституцияси (Асосий Қонуни)га ҳамда Ўзбекистон ССЖ жиноят кодексига қўшимча ва ўзгартишлар киритиш ҳақи-даги қонун лойиҳаси тўғрисида қонунчилик, қонунийлик ва ҳуқуқ-тартибот масалалари қўмитасининг раиси Э. Ҳ. Халилов маъруза қилди.

Ўзбекистон ССЖ халқ депутатлари муҳокамасидан кейин жумҳуриятда ижроия ва бошқарув ҳокимияти тузилмасини бирлаштиришга қарор қилинди. Шу мақсадда ҳозирги Вази-рлар Кенгаши Ўзбекистон ССЖ Президенти ҳузурида иш кў-радиган Вази-рлар маҳкамасига айлантирилди. Қонун депутат-ларининг қўшимчалари билан қабул қилинди.

Халқ депутатлари сессия кун тартибининг қуйидаги банди-

ни — Ўзбекистон ССЖнинг вице-президенти тўғрисидаги масалани кўриб чиқдилар. Ўзбекистон ССЖ Президенти И. А. Каримов мазкур лавозимга Ш. Р. Мирсаидовни тақлиф этди. Олий Кенгаш ушбу номзодни яқдиплик билан қўллаб-қувватлади. Ш. Р. Мирсаидов Ўзбекистон ССЖнинг вице-пре-зиденти этиб тасдиқланди.

«Ўзбекистон ССЖда маҳаллий ўзини ўзи бошқарув ва халқ депутатлари маҳаллий Советлари тўғрисидаги қонуни лойиҳаси ҳақида Ўзбекистон ССЖ Олий Кенгашининг иқтисод-ий ислохот ва маҳаллий ўзини ўзи бошқарув қўмитасининг раиси А. А. Йўлдошев маъруза қилди.

Маъруза юзасидан музокараларда халқ депутатларидан Ш. Т. Нурсатов (21-Циолковский сайлов округи), К. Ж. Ҳақ-қулов (206-Марказий сайлов округи), К. Исроилов (294-Қўн-ғирот сайлов округи), Б. Б. Усмонов (107-Пискент сайлов ок-руги), К. А. Маҳмудов (278-Ўзбекистон сайлов округи), М. Ж. Жўраев (224-Муборак сайлов округи), И. Т. Алнев (348-Қум-қўрган сайлов округи), А. В. Горюстаев (176-Навоий сайлов округи) сўзга чиқдилар.

Депутатлар қонун лойиҳасини биринчи муҳокамада қабул

қилдилар ва ўзини-кесил ишлаб чиқиш учун қўмитага топшир-дилар.

Ўзбекистон ССЖ Президенти И. А. Каримовнинг тавсиясига кўра Б. Мустафоев Ўзбекистон ССЖ прокурори этиб тайин-ланди.

Депутатлар қонунчилик, қонунийлик ва ҳуқуқ-тартибот маса-лалари қўмитаси тақдим этган милиция ходимларини ҳуқуқ-ий ва иқтисодий жиҳатдан ҳимоя қилишни кучайтириш тўғ-рисидаги қонунни ушбу сессияда айтилган фикрлар ва тақ-лифларни ҳисобга олиб қабул қилдилар.

Олий Кенгаш Ўзбекистон ССЖ халқ назорати қўмитасининг раиси М. М. Мирқосимовни Ўзбекистон ССЖда жумҳурият-лараро ўзаро иқтисодий қўмитага доимий вакил қилиб кўр-сатди.

Шундан кейин сессия иштирокчилари «Ўзбекистон халқ депутатларининг жумҳурият аҳолисига, ССЖ Олий Кенга-шига Мурожаатномасини қабул қилдилар.

Шу билан ўн иккинчи чакриқ Ўзбекистон ССЖ Олий Кен-гашининг учинчи сессияси ўз ишнини тамомлади.

Ўзбекистон ССЖ
Олий Кенгашининг
ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК
ЖУМҲУРИЯТИНИНГ 1991 ЙИЛГИ
БЮДЖЕТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ
ПРИНЦИПЛАРИ ҲАҚИДАГИ
ДЕКЛАРАЦИЯ ТЎҒРИСИДА

Бозор иқтисодиётига ўтиш ва ССЖ Иттифоқи, итти-фоқдош ва мухтор жумҳуриятлар ўртасида янги иқтисод-ий муносабатларни шакллантириш Ўзбекистон ССЖда молия-кредит сисбатини қайта қуришни назарда тутди. Жумҳурият 1991 йилги бюджетининг даромад базасини мустақамлаш ва шу асосда аҳоли турмушининг иқти-моний даражасини яхшилаш борасидаги кечиктириб бўл-майдиган вазифаларни ҳал этишининг асосий йўналишлар-ини белгилаш мақсадида Ўзбекистон ССЖ Олий Кенга-ши қарор қилди:

Декларациядаги жумҳуриятнинг 1991 йилги бюджетини ишлаб чиқишга, принципал ёндашувлар маъқуллансин.

Ўзбекистон ССЖ Олий Кенгашининг
Раиси

М. ИБРОҲИМОВ.

Тошкент шаҳри, 1990 йил 30 октябрь.

Ўзбекистон ССЖ
Олий Кенгашининг
ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК
ЖУМҲУРИЯТИНИ ИҚТИСОДИЙ ВА ИЖТИМОЙ
РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ АСОСИЙ ПАРАМЕТРЛАРИ
ВА 1991 ЙИЛГИ БЮДЖЕТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ
ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Совет Социалистик Жумҳурияти Олий Кен-гаши қарор қилади:

1. Ўзбекистон ССЖ Вази-рлар Кенгашининг (Б. С. Ҳа-мидов ва И. И. Маматисаевнинг) «Ўзбекистон ССЖни 1991 йилда иқтисодий ва ижтимоий ривожлантиришнинг асосий параметрлари тўғрисида» ва «Жумҳурият бюджет-ини шакллантиришнинг асосий параметрлари ҳақида»ги ахбороти маълумот учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон ССЖ Вази-рлар Кенгаши жумҳуриятнинг 1991 йилги режа ва бюджет лойиҳасини шакллантириш бўйича ишларни давом эттириш ҳамда тегишли ҳужжат-ларни кўриб чиқиш учун Ўзбекистон ССЖ Олий Кенга-шига киритсин.

Ўзбекистон ССЖ Олий Кенгашининг
Раиси

М. ИБРОҲИМОВ.

Тошкент шаҳри, 1990 йил 30 октябрь.

Ўзбекистон ССЖ
Олий Кенгашининг
ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК ЖУМҲУРИЯТИ
1989 ЙИЛГИ ДАВЛАТ БЮДЖЕТИНИНГ ИЖРОСИ
ҲАҚИДАГИ ҲИСОБОТНИ ТАСДИҚЛАШ ҲАҚИДА

Ўзбекистон Совет Социалистик Жумҳуриятининг Олий Кенгаши қарор қилади:

1. Ўзбекистон ССЖ 1989 йилги давлат бюджетининг даромадлар бўйича 12014,8 миллион сўмга ва сарф-харажатлар бўйича 11536,2 миллион сўмга, даромаднинг сарф-харажатларга нисбатан 478,6 миллион сўмга ортиси билан ижро этилганлиги ҳақидаги ҳисобот тасдиқлансин.

2. 1989 йилги жумҳурият бюджетининг даромадлар бўйича 7715,9 миллион сўмга ва сарф-харажатлар бўйича 7524,1 миллион сўмга, даромадларнинг сарф-харажатлар-га нисбатан 191,8 миллион сўмга ортиси билан ижро этилганлиги ҳақидаги ҳисобот тасдиқлансин.

3. 1989 йилги ЎзССЖ давлат бюджетининг ижроси ҳақидаги ҳисобот таркибига Қорақалпоғистон МСЖнинг давлат бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларининг 1989 йил учун даромадлар бўйича 5368,7 миллион сўмга ва сарф-харажатлар бўйича 5082,0 мил-лион сўмга, даромадлар сарф-харажатларга нисбатан 286,7 миллион сўмга ортиси билан ижро этилганлиги ҳа-қидаги ҳисоботлари киритилсин.

МИЛЛИОН СЎМ ҲИСОВИДА

	даромадлар	сарф-харажатлар	даромадларнинг сарф-харажатларга нисбатан ошши
Қорақалпоғистон МСЖ	413,5	388,2	25,3
Анжлийон вилояти	421,1	398,2	22,9
Бухоро вилояти	419,1	399,2	19,8
Қашқадарё вилояти	393,8	358,8	35,0
Наманган вилояти	353,1	337,8	15,3
Самарқанд вилояти	538,1	520,9	17,2
Сурхондарё вилояти	294,0	283,5	10,5
Сирдарё вилояти	363,0	354,7	8,3
Тошкент вилояти	541,5	501,3	40,2
Фарғона вилояти	554,0	518,5	35,5
Хоразм вилояти	290,3	281,3	9,0
Тошкент шаҳри	787,1	739,7	47,4

Ўзбекистон ССЖ Олий Кенгашининг
Раиси

М. ИБРОҲИМОВ.

Тошкент шаҳри, 1990 йил 30 октябрь.

Ўзбекистон Совет Социалистик жумҳурияти
Президентининг Фармони

ЎРТОҚ Ш. Р. МИРСАИДОВНИ ЎЗБЕКИСТОН ССЖ
ВИЦЕ-ПРЕЗИДЕНТИ ЭТИБ ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон ССЖ Вази-рлар Кенгашининг Ўзбекистон ССЖ Президенти ҳузуридаги вази-рлар маҳкамасига айлан-тирилиши муносабати билан ва Ўзбекистон ССЖ Конституцияси (Асосий Қонуни)нинг 102-моддаси 8-бан-дига биноан Ўртоқ Шукрулло Раҳматович Мирсаидов Ўзбекистон ССЖ Вази-рлар Кенгашининг Раиси вазифа-сидан озод қилинди. Ўзбекистон ССЖ вице-президенти этиб тайинлансин.

Ўзбекистон Совет Социалистик
Жумҳуриятининг Президенти

И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1990 йил, 1 ноябрь.

ЎЗБЕКИСТОН ССЖ ОЛИЙ
КЕНГАШИНИНГ ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН ССЖ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ЎЗБЕКИСТОН ССЖНИНГ ВИЦЕ-ПРЕЗИДЕНТИ
ТЎҒРИСИДАГИ ФАРМОННИ ТАСДИҚЛАШ
ҲАҚИДА


Ўзбекистон ССЖ Вази-рлар Кенгаши Ўзбекистон ССЖ Президенти ҳузуридаги вази-рлар маҳкамасига айлан-тирилганлиги муносабати билан ва Ўзбекистон ССР Кон-ституцияси (Асосий Қонуни) 102-моддасининг 8-бандига биноан Ўзбекистон Совет Социалистик Жумҳурияти Олий Кенгаши қарор қилади:

Ўзбекистон ССЖ Президентининг Ўртоқ Шукрулло Раҳматович Мирсаидовни Ўзбекистон ССЖ Вази-рлар Кенгашининг Раиси вазифасидан озод қилиб, Ўзбекистон ССЖнинг вице-президенти этиб тайинлаш тўғрисидаги 1990 йил 1 ноябрдаги фармони тасдиқлансин.

Ўзбекистон ССЖ Олий Кенгашининг Раиси

М. ИБРОҲИМОВ.

Тошкент шаҳри, 1990 йил, 1 ноябрь.



● ҲН иккинчи чакриқ Ўзбекистон ССЖ Олий Кенгашининг учинчи сессияси мажлислар залидан сурат—
лаҳзалар.



ЎЗБЕКИСТОН ССЖ ОЛИЙ КЕНГАШИНИНГ III СЕССИЯСИ

1991 ЙИЛГИ ЖУМҲУРИЯТ БЮДЖЕТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ АСОСИЙ ПАРАМЕТРЛАРИ ҲАҚИДА

Ўзбекистон ССЖ молия вазири Й. И. МАМАТИСАЕВ маърузаси

Ҳурматли депутат ўртоқ-лар! Кейинги йиллар давоми-да Ўзбекистон ССЖ бюджет-ини шакллантиришнинг асо-сий йўналишлари ҳақида бундай одатдан ташқари, му-раккаб ва ўта масъулиятли маъруза қилишга тўғри кел-маган эди.

Менимча, сизларнинг кўп-чилигинида нима учун биз жумҳурият бюджетини эмас, балки асосий параметрлар-

ни кўриб чиқмоқдамиз, де-ган савол туғилиши табиий. Бунини, ўртоқлар, қуйида-гича изоҳлаш мумкин: Биринчидан, мамлакатда умумий сийёсий барқарорлик ва ҳозирги пайтгача итти-

фоқ шартномаси йўқлиги; иккинчидан, иттифоқ бю-джетининг шаклланишида би-роқ тўла аниқлик бўлмаган-лиги; Ўзбекистон бюджетига берилиши керак бўлган субъ-екция ёки дотациянинг но-

аниқлиги; учинчидан, жорий йилда-гига қараганда ва солиқлар ҳақида ССЖ қонунининг қабул қилиниши натижа-сида бюджет даромадларин-нинг кескин тушиб кетган-лиги ва жумҳурият бюджет-ининг шаклланишида Ўзе-бекистон Олий Кенгаши янги солиқлар тўғрисида ҳали тегишли қонунларни қабул қилмаганлиги; тўртинчидан эса янги нарх-наволарнинг жорий қилини-ши муносабати билан бю-джетларни мувозанатлашти-риш муаммоси кескинлаш-ганлиги ва бошқалардир.

Кейинги беш йил даво-мида ҳар йили бюджет ҳажм-ларининг ўсиши ўртача 7 фоизни ташкил қилган бўл-са, режаланштирилган 1991 йилда эса уни бу йилдагидан 70 фоизга, яъни 10 баравар орттириш вазияти бизни мажбур қилмоқда.

Белгиланаётган Ўзе-бекистон жумҳурият бюджет-ининг кескин ўсиш сабаб-лари, биринчидан, бюджет сарф-харажатларининг ўсиб бораётганлиги, энг аввало, ижтимоий-маданий мақсад-лар учун ажратилаётган маблағларнинг тобора кўпая-ётганлиги, халқ таълими,

соғлиқни сақлаш, фан ва маданият ходимлари маош-ларининг ошиши; овқатла-ниш, дори-дармонлар, ус-куналар, капитал таъмир-лаш сарф-харажатлари миқ-дорининг ошиши, иккинчи-дан, жумҳурият Президен-тининг фармойишларига кў-ра қатор ижтимоий масала-ларнинг атрофлича ҳал қи-линаётганлиги, учинчидан, энг асосий сабаб, қишлоқ хўжалик ташкилотларининг ишлаб чиқариш рентабелли-гини ошириш мақсадида, иттифоқ ҳукумати томонидан бир қатор қишлоқ хўжа-лик маҳсулотларини сотиб олиш (харид ва улгуржи) нархлари оширилиши. Шу муносабат билан жумҳури-ятимизда ишлаб чиқарилади-ган ва жумҳуриятимизга таш-қаридан истеъмол учун кел-тириладиган гўшт, сут, дон ва бошқа маҳсулотлар ўртасида-ги баҳолар фарқини қоплаш учун бюджетдан 7 милли-ард сўм маблағ керак бўла-ди.

Бу, ўртоқлар кейинги йилда мўлжалланаётган бю-джет харажатларининг деяр-ли учдан бир қисмига тўғ-ри келмоқда.

(Давоми 2-бетда)

1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12